

Бугун туман прокуратраси ташаббуси билан тумандаги 3-сонли Болалар музика ва санъат мактабида сайёр суд мажлиси ўтказилди



Бугун ўтказилган сайёр судда туман прокурори ўринбосари Ғ.Исмоилов, Жиноят ишлари бўйича Узун тумани суди раиси О. Жуманов, ИИБ бошлиғи ўринбосари А.Номозов ва туман Пробация катта инспектори, майор Э.Шаймардоновлар иштирок этишди.



Узун тумани Пробация гуруҳи ҳисобида 217 нафар маҳкум жазо муддатини ўтаётган бўлиб, шундан 72 нафари озодликдан чеклаш, 84 нафари ахлоқ тузатиш жазосини ўтаётганлар, 27 нафари муаян ҳуқуқдан маҳрум қилинганлардир.

Бугунги сайёр судда пробация рўйхатида турувчи 90 нафар жазо муддатини ўтаётганлар қатнашди.



Жиноят кодексининг 73-моддаси (жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш)га асосан тузалиш йўлига ўтган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, меҳнатга ижобий ёндашиб, жазони ўташ тартиби ва қоидаларига қатъий амал қилиб келаётган 15 нафар маҳкумлар жазодан ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод этилдилар. Бу орқали ҳукуратимиз томонидан ғамхўрлик кўрсатилаётган маҳкумлар жамиятнинг соғлом муҳитига қайтиб, оиласи бағрида муносиб ҳаёт кечириши учун берилган бу имкониятдан унумли фойдаланишларига ишонч билдирилди.



Судни чекловларига амал қилмаганлиги учун 2 нафар назоратда турган шахслар суд томонидан ўрнатилган таъқиқ ва чекловларни мунтазам бузиб келганлиги сабабли уларга нисбатан тўпланган ҳужжатлар асосан озодликдан чеклаш жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилди.



Нуман прокурори ўринбосари Ғ.Исмоилов, ИИБ бошлиғи ўринбосари А.Номозовлар томонидан маҳкумлар билан қайта жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этмаслик бўйича профилактик суҳбатлар олиб борилди.



Узун тумани ахборот хизмати